



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ЖАМИЯТ

№ 20 (703)  
2020 йил  
3 июль,  
Жума

Ижтимоий-сўбесий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

g.uz



jamiyatgzt@mail.ru



Туманлардаги бозорлар нақ арининг уясидай гу-виллаб, одамлар билан гавжумлигига гувоҳ бўларкансиз, пойтахт-даги бозорда тарқалган коронавирус ҳам бизга таъсир қил-мас экан-да, дея таассуф қиласиз.



## Амир Темур Кўрагон

исми битилган  
мармар лавҳа  
қаерда?

Халқаро парламентаризм  
куни қачон?

“Соғлом” келин  
керак!

Энди “прогул”  
қилмайман!

ТОМОШАБИН ЙИҒИШ УЧУН  
уят-андиша йиғиштирилдими?

## Иякдаги ниқоб

ёки 30+30+30 кишилик тўйлар

## “Доирадан ташқари”

## Қишлоқ



**ҚИСҚА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИНГ!**

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази иш бошлади.

# Халқаро парламентаризм куни қачон?

**Бир неча йилдан бери бутун дунё 30 июнь кунини “Халқаро парламентаризм куни” сифатида кенг нишонламоқда. Ушбу сани белгилаш тўғрисидаги қарор бундан икки йил муқаддам, 2018 йил 22 май куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида 72/278-сонли резолюция орқали қабул қилинган эди.**

Байрамнинг айнан 30 июнь куни қилиб белгиланиши бежиз эмас. Бу сана сайёрамиздаги энг кекса халқаро ташкилотлардан бири – Парламентлараро Иттифоқ тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. 1889 йилда айнан шу куни Париж шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг илк халқаро конференцияси очилган эди.

Тан олиш керакки, XXI асрга келиб парламентлар жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни таъминловчи муҳим институтга айланишга улгурди. Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида парламентлар демократиянинг ажралмас қисми сифатида нафақат қонуңчилик жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда, балки вақиллик ҳокимияти принципини рўйбега чиқаришда ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Жумладан, Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда мамлакатимиз қонуң чиқарувчи олий органининг ўрни анча юксалтирилган.



Унинг фаолиятида тизимли ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бermoқда. Шуниси қувонарлики, мамлакатимиз раҳбари ҳокимият вақиллик органи фаолиятига катта эътибор қаратиб, улар билан доимий мулоқот қилиб келмоқда.

Чунончи, ҳар йили Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга Муро-

жаатнома йўлланиши ва шу асосда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид Давлат дастури қабул қилиниб, унинг ижроси парламент томонидан назоратга олиниши фикримизнинг яққол далилидир. Шу пайтга қадар 3 марта, яъни 2017, 2018 ва 2020 йилларда Президент томонидан Олий Мажлисга Мурожаатномалар йўлланган бўлиб, уларда белгиланган вазифалар нафақат Олий Мажлиснинг, балки бутун депутатлар корпусининг фаолиятини тубдан ўзгартириб юборди.

Бугунги кунда Олий Мажлис мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда илгари суришга асосланган ташқи сиёсий фаолиятнинг ҳам фаол иштирокчисига айланди. Сўнгги уч йилда Олий Мажлис Парламентлараро Иттифоқ, МДХ Парламент Ассамблеяси, ЕХҲТ Парламентлараро Ассамблеяси каби қатор нуфузли парламентлараро уюшмаларга аъзо бўлиб кирди. Шунингдек, туркий тили давлатлар Парламент Ассамблеясига аъзо бўлиб киришга тайёргарлик кўрмоқда.

Ишончимиз комилки, миллий парламентимиз халқ манфаатларини ифодаловчи демократик орган сифатида бундан кейин ҳам халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз равангаки, юртимиз тинчлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиб қолаверадди.

**Қодир ЖўРАЕВ,  
Олий Мажлис Қонуңчилик палатаси депутати**

# Инсон ҳуқуқларини таъминлашда

**жамоатчиликнинг иштироки кенгаймоқда**

**Биз қайсидир фаолият самарасини мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўси ошаётганида, сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланаётганида кўришимиз мумкин.**

Давлатимиз раҳбарининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб бoрилаётган ишларни янада жадаллаштириш ҳамда уларни янги боқичга олиб чиқиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоиз, юртимиз бугунги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича саксондан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олтинчи асосий шартномаси ва тўртта факультатив протоколига қўшилган. Уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва

шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий ҳисоботлар (маърузалар) тақдим этиб келинмоқда.

Бироқ ҳозирги замон масалага янада изчил ва кенг қўлланган ёндашувни талаб этмоқда. Шу сабабли Президентимиз фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссиясини тузиш ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш, танқидий муҳокама қилиш вазифаси юклатилди. Бу вазифа

инсон ҳуқуқлари масаласида биз парламент депутатларининг масъулияти янада ошишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Яна бир муҳим масала. Мазкур ҳужжат билан инсон ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда соҳага оид қонуң ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиб бoриш белгиланмоқда.

Фармонда белгиланган вазифалар, амалга ошириладиган ишлар қўламдор ва залворли. Уларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилиши билан янада қимматли. Шундан келиб чиқиб, биз депутатлар фармонда белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этишда фаол иштирок этсак, кўзланган мақсадларга эришамиз.

**Дилрабо ХОЛБОЕВА,  
Олий Мажлис Қонуңчилик палатаси депутати**

Бугунги кунда инсониятни ташвишга солаётган энг глобал муаммолардан бири – коррупция балоси. Бу иллатнинг вужудга келиши сабаблари ва шарт-шароитларига кўра, ўта мураккаб ижтимоий ҳодиса деб баҳолаш мумкин. Шу боис унга қарши кураш ҳам ниҳоятда мураккаб кечади.

# “Оқибатлар билан эмас, сабаблар билан курашилади”

Мамлакатимизда бу борада қатор ислохотларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлган эди. Аниқроқ айтиладиган бўлсак, ҳозирга қадар бу иллатга қарши курашишнинг ягона, яхлит тизими яратилмаган эди. Тўғри, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралари қатор комиссияси фаолият юритиб келаяпти. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти коррупцияга қарши курашиш бўйича изчил иш олиб бermoқда. Шунингдек, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги коррупцияга қарши курашувчи алоҳида тузилмалар ҳам ташкил этилган.

Лекин, ўтган вақт мобайнида мавжуд идоралараро комиссия иши ўз натижалдорлигини кўрсата олмади. Коррупцияга қарши тузилмаларнинг бир нечта давлат идораларида фаолият кўрсатиши бир-бирининг фаолият ва ваколатларини такрорласа, иккинчи жиҳатдан битта идорада ҳам ушбу тузилма ва тергов органининг фаолият юритиши ўз-ўзидан шу органга судлар фаолиятига таъсир этиш механизмини тақдлим этади, судлар мустақиллигига путур этади. Пировадиди, одил судловни тўла таъминлаш қийинлашгани ҳам бор гап. Бу эса, аҳолининг одил судловга, адолатга ишончига таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта.

Шу нуқтаи назардан Президентимиз фармонида биноан тузилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги биринчи навбатда яхлит давлат идорасини вужудга келтирди.

Бу агентлик нафақат коррупцияга қарши кураш, балки унинг оқибатлари, келиб чиқши омилларини бартараф этиш борасида ҳам амалий,

ҳам назарий жиҳатларни мувофиқлаштириб бoрадиган, бу иллатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий томонларини илмга таянган ҳолда ечим излайдиган ташкилот сифатида фаолият олиб бoради. Яъни коррупциянинг илдизига болта уриш учун оқибатлар билан эмас сабаблар билан курашилади ва уларга ечим изланади. Зеро, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни бартараф этиш йўли билан қаматириш ёки даражасини пайсантириш мумкин.

Эндиликда мазкур агентлик бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўради. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий сурштирувлар ўтказилади. Ижро ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқишчи мажбурий бўлган тақддимномаларни киритади.

Бир сўз билан айтганда, коррупциянинг олдини олиш нафақат янги тузилган агентликнинг, балки барчамизнинг умумий ишмизига айланиши керак. Шундагина ушбу иллатни ўзимиздан узоқлаштиришга эришамиз.

**Дилбар УСМОНОВА,  
Олий Мажлис Қонуңчилик палтаси депутати**

Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонуң устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Вояга етмаган маҳкумларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларида чекловлар бекор қилинди.

# Иякдаги ниқоб

## ёки 30+30+30 кишилик тўйлар



**САЛОМАТЛИККА ЭЪТИБОРИМИЗ ҚАНДАЙ ЭКАНИНИ БИЛИШ УЧУН АЙНИ ПАЙТДА ОРТИҚЧА СЎРОВЛАРГА ҲОЖАТ ЙЎҚ. ҲАТТО КУЧАЙТИРИЛГАН ТАҚИҚЛАР ҲАМ БИЗНИ САЛОМАТЛИГИМИЗДАН КЎРА, У ЁКИ БУ ЧЕКЛОВЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗ ЭКАНЛИГИМИЗ, МЕНСИМАСЛИГИМИЗ МУҲИМДАЙ ЎЗИМИЗНИ ТУТАЁТГАНИМИЗ ЖУДА ФАЛАТИ.**

Кўп кузатайман, корхона ишчилари ишга келгач, ниқобини ечиб, иш бошлайди. Одам дегарли юрмайдиган кўчага чиқса, ниқоб тақали. Табиий, жаримадан кўрққани учун. Бозорларда одам тула. Гўёки ҳаммада ниқоб бор, аммо иягида илинган туради. Жаримадан кўрқиб оғизга номига илиб қўйилган оғизтўсарнинг кимга кераги бор? Бизнинг соғлигимиз ўша жаримадан ҳам арзонми?

— Кунни кеча тахририятимизга бир фуқаро мурожаат билан келди, — дейди ҳамкасбларимиздан бири. — Уни эшитишга тайёрлигимни, аммо карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ниқобини тақиб олишини сўрадим. У бу гапимга киноямуз қараб қўйди-да, ниқобини номига юзига илдириб қўйди. Шикоятни нимадан иборатлигини гапириб бера бошлади. Мен ундан ниқобни қоидага кўра, тўғри тақиб гапиришини илтимос қилдим. У ҳўп деди-ю, яна ўз билганидан қолмади. Охири, мен ўз соғлигимни хавф остига қўйиб, сизнинг мурожаатингизни тинглаб, уни ҳал қилишга ҳаракат қилмоқчиман. Лекин сиз ҳозир бутун дундаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда оддий ниқоб тақишга сабрингиз етмаяпти. Узр, аммо одам билан хайрлашишимга тўғри келадими, дейишга мажбур бўлдим. Буни қарангки, у бу талабни нотўғри тушуниб, чиқиб кетишни афзал билди!

**Туманлардаги бозорлар нақ арининг уясидай ғувиллаб, одамлар билан гавжумлигига гувоҳ бўларкансиз, пойтахтдаги бозорда тарқалган коронавирус ҳам бизга таъсир қилмас экан-да, дея таассуф қиласиз. Айниқса, ниқоби иягида турган одамлар масофа сақлаш у ёқда турсин, узоклиги бир қарич ҳам чиқмайдиган жойдан туриб суҳбатлашиб ўтирганига гувоҳ бўласиз.**

Ниқоб тақиб олинг, деган таъкид унга ҳақоратдай эшитилдими, тушунмадим. Қоидага риоя қилиш ўз соғлигимиз учунку. Буни, ёш болага бўлса ҳам майлиди, ҳаётнинг оқ қорасини тушунган инсонга қандай тушунтириш мумкин?

Ижтимоий масофани сақланг, деб қачондан буён бонг урамиз. Аммо карантин чоралари юмшатиладиган, одамларнинг турли юмуш билан кўчага чиқишлари қўпайди, у ёки бу бинолар, одам кўп борадиган ҳудудлар гавжумлашди. Аммо назоратчи қўйилиб, бақириб-чақирмагунга қадар ҳеч ким ижтимоий масофа ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Гўёки бизнинг саломатлигимиз учун ўша «бақирок, шафқатсиз» назоратчи масъулдек. Ҳа, ҳа, адашмадингиз, назоратчи ўша паллада бизга айнан

шафқатсиз бўлиб кўринади. Бизнинг соғлигимиз ҳақида қай-гураётган (эҳтимол, вазифасини бажаришга масъул бўлган) киши кўзимизга нақ бизнинг вақтимизни ўғирлаётган, ишимизга тушов бўлиб кўринади.

Туманлардаги бозорлар нақ арининг уясидай ғувиллаб, одамлар билан гавжумлигига гувоҳ бўларкансиз, пойтахтдаги бозорда тарқалган коронавирус ҳам бизга таъсир қилмас экан-да, дея таассуф қиласиз. Айниқса, ниқоби иягида турган одамлар масофа сақлаш у ёқда турсин, узоклиги бир қарич ҳам чиқмайдиган жойдан туриб суҳбатлашиб ўтирганига гувоҳ бўласиз.

Тўйларчи?! Айтмоқчи, бугун ижтимоий тармоқларда тартибли қилиб ўтказилаётган 30 кишилик тўйларнинг сурати-ю видеоларига маҳлиё бўлиб, тартибга кирганимиз рост бўлсин, деб енгил тортишга ошиқманг. Баъзи «яшил» ҳудудларда тўй эгасининг дарвозонасида номингагина ўттиз кишилик дастурхон ёзилган. Ушбу дастурхон ҳар икки соатда сал ўзгартирилиб, кун давомида бир неча марта ўттиз кишини меҳмон қилаётганидан ҳам кўз ююлмаймиз. Энг қизиги, қайси ҳудудда тўй қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги борасида ўзингиз тушунган сабабларга кўра эътирозлар пайдо бўл-

моқда. — “Биз тўй қилмоқчи. Нега “рухсат йўқ” дейсиз. Мана, фалончи келин туширди, пистончи қизининг фотиҳа тўйини ўтказди. Ёки кўшни маҳалладагилардан биз камми?”. Ҳар кунни ана шундай даъво билан маҳаллалик марказга мурожаатлар бўлиб турибди. Нима деб жавоб беришни ҳам билмай қоламан, — дейди Самарқанд шаҳридаги Богимайдон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Раҳматуллаев. — Мутасаддилар келишиб олиши керак. Бир ҳудудда тартиб бир хил бўлмаса, одамлар орасида тушунмовчилик, адоват, норозилик пайдо бўлади. Ёки “сарик” ҳудудга ҳам карантин тартибига қатъий риоя этган ҳолда тўй-маъракалар ўтказишга рухсат бериш керакми?

Хуллас, мақолада ниқобга муносабатимиз орқали саломатлигимизга муносабатимизни кўрсатиб бермоқчи эдим. Одамларнинг, табиийки ўнлаб ходимларни ишлаётган корхоналарнинг муносабатини. Эҳтимол, дезинфекцион туннеллар қайсибир талбиркорни молиявий қийнаб қўяр, (шунинг учун мақолада ишламаётган, номига ўрнатилган баъзи туннелларга тўхталиб ўтирмадик) қайсибир ташкилотнинг пирометр олишга қўриб етмас. Аммо ниқоб ва қўлқоп билан корхона ишчиларини таъминламасдан ишлаш ўзимизга қарши ҳаракат. Ишчиларнинг ўзи бунга раҳбарларидан талаб қилишлари шарт. Яқинда пишириқ пишириб тарқатадиган цехда хотин-қизлар икки ниқоб, балки қўлқоп ва бош кийимсиз ишлаётганини кўриб, «коронавирус бизга тегишли эмас» деган ҳаёда юрганлар шу яқин орамиздаги, ичимиздаги одамлар эканига амин бўлдим. Афсус...

Гулруҳ МЎМИНОВА

**Буюк Ирланд ёзувчиси Бернард Шоу “Агар сиз бахтни ординдан қувиб, бир кун келиб уни топганингизда, кўзойнаги ҳар доим бурнини тагида туриб уни излаган қари кампирга ўхшаб қоласиз” деган эди. Нақадар инсонни ўйлашга мажбур этадиган сўзлар.**

Вақт ўтгани сайин одамлар ўз бахтсизлиги ҳақида “оғзи кўпириб” гапиришини ўрганиб олишди. Уйдаги гапни кўчага олиб чиқишни бошлади. Хуёусан, айрим телеканалларда эфирга узатилаётган “Очиққасига гаплашамиз”, “Мени кечир” каби ток-шоуларда бунга яққол гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ташқарига чиқиб кетган оилавий муаммо ҳалқ олдида муҳокамага қўйилиб, бартараф этилаётган эмиш. Бир уйда йиллар давомида келиша олмаган, бундан ташқари, дард устига чипқон каби барчани кўз олдида айбни копток сингари бир-бирига улоқтираётган қайнона-келин бир ярим икки соат мобайнида муаммою келиш-

## ТОМОШАБИН ЙИҒИШ УЧУН уят-андиша йиғштирилдимиз?

мовчиликларни шу ерда қолдириб, яна бир уйда аҳил-иноқ яшаб кетишга қандай умид қилаётган экан?! Қанчалик қийин бўлмасин, бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Айб кимдалигини аниқлаштириб бир оилага тинчлик бахшида этиш учун уринаётган журналист-у, ҳолис томошабинлар ўзини худди судья ва суд маслаҳатчиларидек тутишгани одамнинг гапини келтириши ҳам сир эмас.

“Мени кечир” ток-шоуининг бир сониде ёшгина келинчак вафот этган турмуш ўртоғининг руҳини шод қилиш мақсадида бу кўрсатувга мурожаат қилган эмиш. Ойнаи жаҳон орқали қайнонасида кечирим сўраса, марҳум умр йўлдошининг руҳи шод бўлармиш. Ундан кўра, иккаласи ҳам уйда тинчгина бир эркакнинг чироғини ёқиб ўтирса, яхшимасмикан? Кейинги кўрсатувда эса ўз фарзандини уйлантиришга уйлантириб, ахлат қутилар ёнида дайди ит-мушуклар билан “ош-қа-



тик” бўлиб яшашига маҳкум этилган ота-оналарнинг қилмиши кўрсатилган. Наҳотки, уларда орзу-умид бўлмаса, наҳотки фарзандини шу мақсадда вояга етказган бўлса?.. Ёки улар “Харобадан чиққан миллионер” фильмининг ашаддий мухлисларимикан? Шу кўрсатувга чиқиб, уларнинг муаммоси ҳал бўлганини эшитмадим. Бундан кўра, кетган вақтини ўз муаммоларини ўзи ҳал қилишга уринса бўлмасмиди? Ўз юрагида инқилоб қилишга, наҳотки, уларнинг иродаси етмаса? Уларга қўйиб берса,

замон ўзгариб кетяпти деган баҳонани рўқач қилиб чарчашмайди. Аммо шундан олиш керакки, замон эмас, одамлар ўзгариб кетишди. Зеро, Абай айтганидек, “Кимда-ким ёмон бўлса, айб замондошларидадир”.

“Шарқ кўпроқ панд-насиҳат, гарб эса ҳаётни реал кўрсатиш орқали кишини тарбия қилади”, деган эди Ибн Сино. Наҳотки, биз қадимий анъаналаримиздан воз кечиб, гарбча ҳаёт кечиринишга ўтаётган бўлсак?! Бу урф-одатларимиз “инқилоб” ёқасига келганини англаётимиз? Ёки барча анъаналаримизни “эскилик саркити” дея унутини бошладикми? Шу сабабли бахтсизлик гирдоби бизга бағрини кенг очиб келаётганимикан?

Ҳар ким эрталаб ўз оиласи бағрида соғ-саломат уйғонса, ана шу бахт, дейилади Ҳадиси шарифда. Демак, бахтли бўлиш учун кўп нарса керак эмас экан. Аммо инсонлар бутун умри давомида шунга интилади ва охирида у бурнининг тагида турганини пайқайди. Бироқ бу вақтда анча кеч бўлмасмикан?

Муроджон РАҲМАТОВ,  
ЎзЖОКУ талабаси



“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси мустақил ННТ сифатида қайта ташкил этилади.

# ВАТАН КЎКСИДАГИ ДУР

**В**атанни онага қиёслаб, уни она Ватан, дея ардоқлаймиз. Энг фидойи оналар кўксига тақилган Қаҳрамонлик юлдузи, орденларга ҳавас ила боққанмисиз? Ўзбекистон Республикаси Давлат гербини она Ватан кўксига дурдек порлаб турган нишонга қиёс этгим келади.

чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қўёш заррин нурларини сочиб турган ажиб манзаралардан дилнингиз яйраб, қалбингизда ифтихор туйғуси жўш уради. Жаннатмонанд юртимизнинг бутун суратию сийрати, бетакрор манзаралари, чексиз меҳру нури ана шу жозибали тасвирлар мажмуасида ўз аксини топган.



Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бандида “O‘zbekiston” деб ёзиб қўйилган.

Ранглар жилосида рамзий маънолар янада ёрқинлашди, тўқислик касб этади. Гербимиздаги Ҳумо куши ва дарёлар – кумуш рангда; қўёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва “O‘zbekiston” ёзуви – олтин рангда; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий – яшил рангда; чаноқлардаги пахта – оқ рангда; лента – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларига мутаносиб равишда уч хил; саккизбурчак – олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳаво рангда; ярим ой ва юлдузлар – оқ рангда. Она Ватан кўксигаги нурафшон дурдек гербимиз ярақлаб, чарақлаб турибди.

Юртимиз давлат мустақиллигига эришгач ўз рамзлари саналмиш байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлди. 1992 йил 2 июль – “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида” Қонун қабул қилинган бу кунни доим эҳтиром ила тилга оламиз.

Давлатимиз герби юксак дид билан тайёрланган: унда пурвиқор тоғлар, серсув дарё-

**Ҳаётда инсон учун энг азиз неъмат – бахт ва эркдир. Ана шу бебаҳо саодат ифодасини герб марказида қанотини кенг ёйган афсонавий Ҳумо куши тимсолида кўраимиз.**

Гербнинг юқори қисмида республикаимиз хур диёр эканини ифода этувчи саккизбурчак тасвирланган бўлса, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Бу шунчаки тасвир эмас, унинг моҳиятида олам-олам маъно

мужассам. Муқаддас китобларимиз таълимоти ила қарор топган қадриятларимиз ой ва юлдузлар тимсолида акс этган.

Ҳаётда инсон учун энг азиз неъмат – бахт ва эркдир. Ана шу бебаҳо саодат ифодасини герб марказида қанотини кенг ёйган афсонавий Ҳумо куши тимсолида кўраимиз.

Гербнинг пастки қисмида Ўзбекистон Республикаси

Тўлқин ЭШБЕК,  
ЎЗМУ доценти  
“Маърифат” тарғибчиликлар  
жамияти аъзоси

## Тараққиётнинг иқтисодий асослари

**Х**озирда ерга эгалликни чуқур ҳис этган деҳқон-фермер хўжаликлари гуллаб, яшнамоқда, тараққиётга юз тутмоқда. Ўзининг ризқ йўлини очиб, ер билан “тиллаша олган” деҳқоннинг косаси оқарди, елкасига офтоб тегиб ўз йўлини топиб олаётир. Албатта, буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофати туфайлидир. Бўқа туманидаги “Йўлдошева Севара” фермер хўжалиги далаларида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Севара опа ишнинг кўзини биладиган талбиркор аёл. Ёшлигидан етти ўлчаб бир кесишга одатланган бу ажойиб инсон фермерлик соҳасида ўзига хос тажриба яратган. Бу борада унга олий маълумотли иқтисодчи мутахассислиги қўл келди. 1996 йили Тошкент Аграр университетининг иқтисодиёт бўлимининг муваффақиятли тамомлаган Севара опа бир мuddат бухгалтер-иқтисодчи бўлиб ишлади. Жамоат ишларида фаол иштирок этди. Маҳалла маслаҳатчиси сифатида одамлар эътиборини қозонди. Аммо ерга бўлган меҳр уни далалар қўйнига тинмай чорлайверди.

Ана ўша иштиёқ ва эзгу мақсад Севара опани фермерлик сари етаклади. Қалб амри, юрак даъвати ила 2007 йилда “Йўлдошева Севара” фермер хўжалигига асос солинди. Дастлабки йили 33 гектар ер майдонида иш бошлаган бу аёл аста-секин ўз ҳудудини кенгайтириб борди. 2010 йилга келиб бу рақам 50 гектарни ташкил этди. Айни дамда фермер хўжалиги тасарруфида 65 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, унинг 30 гектарида пахта, 33 гектарида галла етиштирилмоқда. Мавжуд 2 гектар ҳудудда боғдорчилик ташкил қилинган.

— Бизнинг шароитимизда сув масаласи анчагина қўйинчилик туғдирар эди. Бу муаммо ижобий ҳал этилди, — дейди

## “Қалб амри, юрак даъвати ила фермер бўлдим!”

Севара опа мамнуният билан. — Ўз маблагимиз ҳисобидан насос агрегатлари сотиб олдик. Эндиликда экинларимизни бемалол суғориш имкониятига эгамиз. Бундан ташқари лизинг асосида янги техникалар олиб келдик. Ҳозирда пахта ва галла майдонларимизда “МТЗ-80” культиватори ҳамда “LS-1004” ҳайдов тракторлари унумли ишламоқда. Ерларимизнинг мелiorатив ҳолатини йилдан-йилга яхшилашга муваффақ бўлдик. Бунинг натижасида ҳосилдорлик сезиларли суръатда ошди.

Дарҳақиқат, астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини бера бошлади. 2010 йилда галладан гектарига атиги 18–20 центнердан ҳосил олинган бўлса, ҳозирга келиб 60 центнерлик марра забт этилганди. Фермер хўжалиги галлакорлари жорий йилда ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ меҳнат қилишди. Вақтида агро-техник талбирлари маромида ўтказилганлиги туфайли буғдой бошоқларининг бўлиқлиги таъминланди. Давлат хирмонига 90 тоннадан зиёдроқ юқори навли сара дон топширилди. Биргина галланинг ўзидан 200 миллион сўмга яқин соф даромад олиниши кутуляпти. Галладан бўшаган майдонларга эса тарвуз, мош, ловия, картошка ва сабзи сингари экинларни экиш таралдуди бошланган.

Дарвоқе, пахта майдонлари ҳам кўзини қувнатади. Ўтган йили 20 гектарда пахта етиштирилиб, давлат хирмонига 80 тоннадан зиёдроқ ҳосил топширилди. Бу йилги марра эса янада баландроқ, Фермер хўжалиги заршунослари 22 гектар ер майдонида пахта етиштириб, юқори навларда сотишни режалаштиришган. Кўзланган марра эса 30 центнерлик довонни забт этишди. Албатта, бунинг учун барча асослар етарли. Илғор механизаторлар Ҳусниддин Аvezов ва Дониёр Умрзоқовлар ғўза қатор ораларига пешма-пеш ишлов беришяпти. Мусалдин Аvezов, Азам Камолов, Илҳом Шодмонов, Нуриддин Аvezов сингари сувчилар меҳнати туфайли ғўзалар бир текис гуллаб кўсак туга

бошлади. — Режаларим бундан-да юксак, — дейди Севара опа шижоатини яшира олмай. — Ҳозирламоқ кўп тармоқли фермер хўжалигига ўтиш борасида бош қотиригимиз. Фермерларга берилган имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб

хўжалигимизда чорвачилик, сабзавотчилик, балиқчилик ва асарличиликни йўлга қўймоқчимиз. Тайёргарлик ишларини эса аллақачон бошлаб юборганмиз.

Оилада 4 нафар фарзандни вояга етказиб, 10 нафар набираларга бувижонлик қилиб келаётган Севара опа ҳамон ғайрат-шижоатга тўлиб яшамоқда. Икки ўғли — Ҳусниддин ва Бўрибек оналарига қанот бўлиб, фермер хўжалигида камарбаста. Опанинг ёруғ манзилларга интилиши ҳам ана шундан. Эзгулик йўлида қилинган меҳнатнинг самарали бўлиши, шубҳасиз.

Ашурали БОЙМУРОД

## Таълим

# Ҳар бир ўқувчи — янги “ташхис”

**Адабиёт сўзининг ўзаги — одоб. Шундай экан, ҳар қандай баддий асар замирида одоб-ахлоқ нормалари ётади.**

Айрим ёши улугларимиз текис йўлда ҳам “қоқилиб кетганимизда” ёки арзимас муаммо қошида довлараб қолганимизда “Э, китоб ўқимаган!” дея дашоним берали.

Бу нима дегани? Бу — ўқиганингда тўғри йўлда қоқилмасдинг, пешонанг деворга бориб тегмасди, дегани.

Айни пайтда китобхонликка қаратилаётган катта эътибор ҳар қандай маънавият излаган одамни хурсанд қилади. Эҳтимол, касбим сабаб ёшларнинг қўлида китоб, журнал ёки газета кўрсам, худди яна бир комил инсон вояга етаётгандек мамнун бўлман.

Айниқса, ёшларнинг ён-атрофимизда бўлаётган воқеа ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини туйишда ҳам ижтимоий-сиёсий газеталарнинг ўрни катта. Бунда ота-онанинг ўрни муҳим. Агар дастурхон бошида ота қўлида газета ўқиб ўтирса, дунёқарашини энди шаклланиб келаётган бола, отасига тақдир қилади. Мабодо отанинг қўлида телевизор пульта бўлса, бола буни ҳам ўзлашти-

риши турган гап. Жадид боболаримиз ҳам жамиятни ўзгартиришга киришганда курул билан эмас, матбуот ва бадий асарлар билан халққа муурожаат қилган.

Биз аксар ҳолларда ёзувчининг фалон асарига фалон гоё ётади, фалон шеърининг замирида фалон маъно бор, деган қатъий фикрни ўқувчи онгига сингдиришга ҳаракат қиламиз. Адабиёт, бу — математика, кимё ёки биология эмас. Назаримда, ўқувчининг ўқиб чиққан китоби ҳақидаги фикри, хулосасини сўраш билан биз янги қарашлар ва янги авлодни вояга етказишимиз мумкин.

Асардаги муболагаларнинг ечимини ечишни эса устоз бир марта кўрсатиши лозим, кейинги асарлардаги “туғун”ларни ечишни эса ўқувчининг ўзига қўйиб бериш керак. Мавлоно Бедилни эсланг. Унинг шеърлари мутолаласидан юз маъно топишган ўқувчиларига тасанно айтган аллома, юз биринчи маънони ўзлари айтган.

Хуллас, бадий асарга бир киши томонидан қўйилган “ташхис” бир неча авлод-аждод учун “йўл харитаси” вази-фасини ўтамаслиги керак.

Фарҳод ОРЗИБОВЕВ,  
Сергели туманидаги 305-мактабнинг  
маънавият ва маърифат  
ишлари бўйича  
директор ўринбосари



Мақтаб ўқитувчиларининг йиллик тақвим-мавзуий режа ҳамда консепт юритиши бекор қилинди.

# "Соғлом" келин керак!

АЛИШЕРНИНГ БИР ЎГИЛ, ИККИ ҚИЗИ  
БОР. У ИШБИЛАРМОН, БИЗНЕС БИЛАН  
ШУҒУЛЛАНАДИ. ТЎНҒИЧИ САРВАР 19ГА  
ТЎЛДИ-Ю, БОШИНИ ИККИТА ҚИЛИБ ҚЎ-  
ЙИШ ТАРАДДУДИГА ТУШДИ. ЎҒЛИНИНГ  
ТАҚДИРИГА БЕПАРВО ЮРГАН НАРГИЗА  
"КЕЛИН КЕЛСА, ОЁҒИМНИ КЎТАРИБ ЁТА-  
МАН" ДЕГАН ЎЙДА РОЗИЛИГИДАН ПОРТ-  
ЛАБ КЕТГУДАЙ БЎЛДИ...

Буёғидан сўрасангиз ўели Сарварга ўранган, кўча-кўй, тўй-маъракага югирмайдиган қиз излаётган эди. Топди ҳам! Узоқ қишлоқдаги дўстининг қизини келин қилишни маслаҳатлашиб олди. Ўғлининг розилигини сўраб ҳам ўтирмади. Чунки болалар бунга аввалдан тайёрлаб келинган. Отанинг айтгани айтган! Тезда иш пишди. Энди келинни олиб келса бўлгани.

Масаланинг нозик томони қизнинг кичиклигида эди. У ҳали 17 ёшни қаршаламай туриб, бировнинг хонадонига текин совғадай юборилади. Албатта, эгаси учун безатилган совға...

Эскича тўй бўлди. Битта мулла келиб никоҳ ўқиб кет-

ди. Унга кўп одам айтмади. Келин-куёвни уйига кузатиб қўйган момолардан бўлак ҳеч ким кўрмади. 17 ёшли никоҳнинг талайгина орзуси армонга айланди. Буларнинг бири ўша биз билган оппоқ кўйлак кийиш эди. Шундан ҳам мусово бўлди. У нима бўлаётганини билмай саросимага тушиб қолганди. Чунки уларнинг уйида ҳам отанинг айтгани-айтган, дегани-деган. Бу икки ёш на қонуний никоҳдан ўтди, на шифокор кўригидан.

...Келинчакнинг янги уйга кўникиб олиши қийин бўлмади. Ҳамма билан очиқ муомалада бўлди. Ҳатто, уйдаги ишларидан бўшаб икки қайинсинглисига "Қуръон суралари"дан ўргатар эди. Бирор

куну бесамар кетмади. Бир кун келиннинг тиши оғрий бошлади. Буни эшитган қайнота тезда шифокорга олиб борди. Сарвар эмас...

Иш чатоқ, Таҳлил жавоблари жуда ёмон чиққанмиш. Алишернинг газаби қайнай бошлади. Тезда телефон қилиб, келиннинг отасини чақирди. Дўсти ҳам хавотирда шоша-пиша қудасининг уйига етиб келди. Алишер дўстига қўлини пахса қилиб бақира кетди:

— Эй аҳмоқ! Шунча пайт ишлаб юравермай қизингни даволатсанг бўлмасмиди?

— Нималар деясан?..

— Қизинг ёмон эмас дуруст. Умуман, унда айб йўқ. Ҳамма айб сенда. Қизингга эътиборсиз бўлгансан тамом.

— Тушунтириб гапир! Нима бўлди ахир, тинчликми?

— Гапирайми? Эшит унда! "Рематизм", "камқонлик"... Эҳе, дарларнинг адоғи йўқ. Менга касал қизингни раво кўрингми? Айбини айтиб сотмадинг номард!

— Нима?... Тилингни суягини бўш қўявермай, уйлаб гапир, балки шифокорлар адашгандир.

— Гапни кўпайтирмай, қизингни олиб кет! Ўғлимга касалманд хотин керакмас. Худо кўрсатмасин, етти пуштим куйишини хоҳламайман. Иссиғида боламга бошқа хотин олиб бераман.

— Бу нима деганинг? Ҳали тўйига 15 кун бўлди-ку. Аблаҳ, уйлантириш шунчалик



Иш чатоқ, Таҳлил жавоблари жуда ёмон чиққанмиш. Алишернинг газаби кела бошлади. Тезда телефон қилиб, келиннинг отасини чақирди. Дўсти ҳам хавотирда шоша-пиша қудасининг уйига етиб келди. Алишер дўстига қўлини пахса қилиб бақира кетди...

осон экан-да?! Мени қизим нима бўлади? Унинг ҳаёти-чи?

— Буни қизингни уйимга олиб келишдан аввал ўйлаш керак эди. Гап тамом, ҳаммаси туғади...

**Ўртага жимлик тушди. Эшик оралаб куёв бўлмиш кириб келди. Ҳали салом бермасидан Алишер гап билан оғзига урди. "Менга қара, ҳозир уйга кириб касал хотинингни жавобини бер! Кетсин, қайтиб келмас бўлиб. Бир адашдик. Иссиғида бошқа хотин овераман". Сарвар лом-мим демай, уйга кириб кетди...**

Хуллас, шу билан келинни отаси олиб кетди. Энди янги келин келади. Ўзлари ўйлаган "соғлом" келин... Аммо бир ёшнинг уволига қолган яъни-ким, бахтсиз қилган оилга ким ҳам қизини беришга тайёр турибди? Аслида бу ишларга бош-қош бўлган Алишер қанчалик соғлом?

Дўсти билан ораси бузилиб кетди. Ўғлини кўп йиллар уйлантира олмади. Ўғил четда ишлаб юриб, ўзга миллатдан уйланиб кетди. Анча йиллардан бери уйига қайтмайди. Унинг учун муҳими шу уйдан чиқиб кетиш эди.

Алишернинг эса иккала қизини узатгунча она сuti оғзига келди. Топга мол давлатини сарфлади. Ёши ўтиб ишдан қолди. Ишини давом эттириши керак бўлган ўғли ҳали-ҳамон бир йўқлаб келмайди.

Гулҳаё ҲУСАНОВА

## Огоҳлик

# "Чўмиламан деб, чўкиб кетманг!"

Олмазор тумани Фавкулотда вазиятлар бошқармаси ходимлари жойларда аҳоли билан турли тадбирлар, тарғибот-тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Жумладан, туман ҳудудидан оқиб ўтувчи каналларда чўмилишни тақиқлаш бўйича профилактик ишлар олиб борди.



ҳам ана шу тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди.

Бундан ташқари, туман ҳудудидидаги очиқ майдонлар, кўп қаватли аҳоли тураржойларида туман ҳокимлиги ва ободонлаштириш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

— Яқинда тумандаги Сағбон кўчасида жойлашган 1-сонли кўп қаватли уйнинг чердак қисмида 5м2 майдонда ёнғин содир бўлди, — дейди Олмазор туман ФВБ мутахассиси кичик сержант Бахтиёр Искандаров. — Уни ўз вақтида бартараф этишга мутахассисларимиз улгурди. Ёнғинни ўчиришга 2 та асосий ёнғин ўчириш автомобили ва 1 та махсус автонарвон жалб этилди. Одамлар зарар кўрмаслигига эришилди.

**Санжар САТТОРОВ,**  
**Олмазор тумани ФВБ инспектори, қатта сержант,**  
**Бахтиёр ИСКАНДАРОВ,**  
**кичик сержант**




КИСҚА САТРАЛДА ЎҚИҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида "Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадиий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича қатта ишлар олиб борилмоқда", деган эди.

# Сўзлар билан чизилган расм

Яқинда нашрдан чиққан "Буюк — 75" номли шеърый китоб эса бу борала айни муддао бўлди. Китобни ўқиб бораркансиз, сатрлардаги жанггоҳ ҳамда ҳали ҳаётни тўлиқ қашф этмаган нигоҳлардаги чексиз ҳасрат билан шижоатга кўзингиз тушади. "Ўқланган кўзлар" номли шеърнинг "Сўзлар — оқопларда, ҳарфлар — автоматларда, тирик хужайралар — изотопларда..."

деб бошланишининг ўзиёқ, аскар учун бутун олам фақат жанг майдони эканини аңглатса, "Оталар ва болалар 1941-1945" да қишлоқ чети, яланг адирлар, уйнаётир болалар: кимнинг пешонаси гурра, кимнинг бурни қонаган, кимнинг кўзи кўкарган... бир боланинг отаси йўқ, иккита боланинг отаси йўқ, учта... дея фронт ортини ҳам ўқув-



чининг кўз оладида жонлантириб боради. Шоирлар бир умр расмом бўлишни орзу қилади. Буни жуда кўп шоирлар айтган. Китоб муаллифи Салим Ашурнинг эса ҳар бир саҳифада сўзлар билан расм чизганини кўриш мумкин. Шоирнинг китобини ўқиган ёш авлод уруш манзараларидан керакли сабоқ чиқарса, урушга гувоҳ бўлганлар дилдаги айтолмаган дардларига изоҳ топишга ишонамиз.

Бек АЛИ

Когонда 1000 бошга мўлжалланган бўрдоқчилик мажмуаси қурилди.

# Амир Темура Кўрагон

## исми битилган мрамар лавҳа қаерда?

Санкт-Петербургдаги Давлат Рус музейида бўлганлар бу саволга дарров жавоб бериши мумкин. Чунки ҳозирда бу ноёб буюм ушбу музей экспозициясида намоиш этилмоқда. Бироқ ўз даврида Амир Темура мақбараси бош кириш эшиги тепасида ўрнатилган лавҳа қандай қилиб бу музей коллекциясидан жой олди?

Россия фанлар академияси моддий маданият тарихи институти архивда ушбу ашёнинг юқоридаги музейга бориб қолиши тарихига алоқадор ҳужжатлар сақланди.

Ҳужжатлардаги маълумотларга кўра, 1905 йил баҳорда Амир Темура мақбарасига 4 кишидан иборат револьвер билан қуролланган талончилар бостириб кириб, мақбара қаровулини кўрқитиб, ушбу плитани ўрнатилган жойидан юлиб олган ва кўздан ғойиб бўлган. Уша вақтдаги маҳаллий ҳукуматнинг суриштириш ишлари айбдорларнинг топилшига ёрдам бермади.

Россия императорининг археология комиссияси 1908 йилда мрамар плитанинг Берлиндаги Фридрих музейида намоиш этилаётганидан хабар топади ва суриштирув ишларини бошлайди. Шу йилнинг ўзидаёқ империя ташқи ишлар вазири Александр Петрович Извольскийга воева тафсилотларини билдириб, лавҳани ўз жойига қайтариш масаласида ёрдам сўрайди.

Ўз навбатида Ташқи ишлар вазири Россия императорининг Берлиндаги элчиси Граф фон дер Остен-Сакенга мактуб йўллаб, ушбу иш юзасидан суриштирув ўтказишни сўрайди. Маълум бўлишича, ноёб мрамар лавҳа Фридрих музейи директори доктор Т. Боде томонидан 1906 йилда Истанбулда 10 минг франк пулга сотиб олинган ва музейга олиб келинган.

Элчи мрамар лавҳани Россияга қайтариш учун музокаралар ўтказиш топшириги берилади. Фридрих музейи директори доктор Т. Боде ноёб ашёни Россияга қайтариш масаласидаги сўровга жавобан, дастлаб ашёнинг ҳақиқатдан ҳам Амир Темура мақбарасига тегишли эканлигига оид далил талаб этади. Император археология комиссияси XIX аср охирида Самарқандда олинган Амир Темура мақбарасининг эшиги ва унинг тепасидаги мрамар лавҳа акс этган умумий кўриниш, мақбара эшигининг мрамар лавҳа билан бирга алоҳида суратидан иборат 3 та фотосуратни тақдим этади.

Шундан сўнг Фридрих музейи маъмурияти мрамар лавҳани Россияга қайтариш эвазига XIII-XIV асрга тааллуқли муслмон санъатининг “бирор бир ноёб намунаси”ни талаб қилади. Бироқ Император археология комиссияси бундай ашё ўз ихтиёрида йўқлигини, мрамар лавҳани сотиб олиш учун Фридрих музейи томонидан

сарфланган 10 минг франк маблағни қўлаб беришни маълум қилади.

Ушбу можаро ҳақидаги гаплар қадимий ашёлар ҳавасманди бўлган Германия императори Вилгельм II га ҳам етиб боради ва император хоҳиши билан жараёнга Пруссия Қироллик музейлари бошқармаси аралашади. Оқибатда, мрамар лавҳа учун сарфланган маблағни қўлаб бериш эвазига уни Россияга қайтариш масаласи ижобий ҳал этилади.

Шундан сўнг Император археология комиссияси Россия империяси молия вазири В.Н.Коконцевга Фридрих музейига тўлаш учун 6 минг рубл (10 минг марка) ажратишни сўраб мактуб йўллайди. Кўрсатилган маблағ Берлинга юборилгач, мрамар лавҳа Россияга олиб келиниб, император археология комиссияси томонидан Амир Темура мақбарасига қайтарилмасдан, уша вақтдаги Император Александр III нинг Рус музейи, яъни ҳозирги Давлат Рус музейи ходими катта хизматчиси Ульрих Яков кўлига топширилади.

Шу тариқа Амир Темура мрамар лавҳа ҳозиргача Санкт-Петербургдаги Давлат Рус музейи экспозициясини беэб турибди. Уша вақтда мрамар лавҳанинг Самарқандга қайтарилмаслиги бу ердаги обидаларнинг яхши кўриқланмаслиги, ашёнинг такрорий равишда ўғирланиши эҳтимоли борлиги билан изоҳланган эди.

Мавжуд тарихий ҳужжатларда қайд этилишича, аслида ҳам уша даврда Туркистонда, айниқса Самарқандда ноёб қадимий ашёларнинг талон-торож қилиниши авжга чиққан, ҳатто улар билан савдо олиб бориладиган махсус бозор ҳам мавжуд эди. Оқибатда қадим шаҳарнинг тарихига алоқадор ашёлар Россия, Франция, Буюк Британия, Германия, АҚШ давлатларига олиб чиқиб кетилди ва ҳозиргача у ердаги музейлар экспозицияда сайёҳларни мафтун этган ҳолда намоиш этилмоқда.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузурдаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази фаолияти йўлга қўйилиб, Ўзбекистоннинг хориждаги маданий бойликларини ватанимизга қайтариш бўйича ишлар бошланди. Ўйлашимизки, ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган Соҳибқирон Амир Темура мақбарасига тегишли мрамар лавҳа тақдирини ҳам ушбу марказ эътиборидан четда қолмайди.

Маҳмудхон ЮНУСОВ,  
Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофиз

Сарлавҳани ўқиб, ҳайрон бўлманг, бу баландпарвоз ёки қолип фикрлар эмас. Ҳаммаси ҳақиқат! Бир йил аввал ҳам шу сўзларни эшитганимда мен ҳам худди сиздек фикрлашни бошлардим. Бироқ вақт қисқа муддатларда олий ҳакамлигини қилди. Соҳанинг ичига кириб борганим сайин ишим ва касбимга нисбатан қарашларим теранлашиб босверди. Ҳозир Давлат хизматлари марказлари томонидан уюштирилаётган мобил хизматларда бажонидил иштирок этишга, “прогул” қилмасликка ҳаракат қиламан. Биласизми, нега?

## Энди “прогул” қилмайман!

Бунга кўп бўлмади. Одатий иш кунларимнинг бирида марказимизга нафақадаги ота-онасининг пенсия ҳақидаги маълумотномасини олгани бир фарзанд келди. Биласиз, бу каби ҳужжатлар фақат фуқаронинг бевосита ўзининг музоаотида асосан берилади. Лекин аҳоли билан ҳар кун, ҳар дақиқада ҳамсуҳбат бўлганингиздан кейин салкам психолог бўлиб қоларкансиз. Фарзанднинг алдамаётгани, бирон бир хайри иш учун шу ҳужжат зарурлиги самимий юзидан сезилиб турарди. “Ишон, лекин текшир”, деган нақл бор. Амал қилдим. Ишдан сўнг шу маълумотнома манзили бўйича Бағлод туманининг Муқимий маҳалла фуқаролари йигинидаги Бекобод қишлоғида яшовчи ноғиронлиги бор 80 ёшли Назиржон ота Очилов хонадонига бордим.

Сўриток устида мени кутиб олган Назиржон ота одатий дуодан сўнг туриб кутиб олмаганидан хижолат чекди. Вазиятни билгач, — шу бир парча қоғоз бўлмаса, ануви кредит тўшмагурни бермасаканда, ўзим боғрай десам, оёқ чатақ, бўйсинмай қўйганда, леги. — Ўғлим жуда меҳрибон, эси бор чикди. Шунга пандемия шароитида, ёзининг жазирама кунларида қийналасиз, кредитга бўлсам уйимни совиладиган олиб бераман деяпти...

Аллақачон тақдирнинг ҳук-

мига ўзини топширган Назиржон ота билан суҳбатлашиб ишдаги чарчоқлар сезилди. Кредит учун зарур нафақа маълумотини топшириб ўтган-кетгандан, бола-чақадан гаплашдик, кундалик ишлардан турун қилдик.

Кетар чоғимда нуруний ота дуога кўл очаркан, унинг мана бу айтган сўзлари бир умр қалбимга, хотирамга муҳрланиб қолди:

— Ўғлим, қандай иш қилсанг, ўзимга қачондир қайтади, деб қилгин. Шунда доим оғоҳ ва сергак юрасан! Гишт қўйган гишт олади. Ҳеч бир замонда деворга гишт қўйиб, кесак олишмаган. Шунинг учун бугунгилик савоб ишларинг қачондир ортиги билан ўзингга қайтарилишига ишон. Мана мен қафил! Томчида денгиз намоён. Сенга қараб раҳбариятинг, юқоридakilаринг қандай ишлашига баҳо бергандекман. Илоҳим, шу ишингдан улар ва сен барака, унум топ! Кексайганингда фарзандларинг ардоғида бўл!

Ташқари эшикка юзланарканман, кўшдек энгил тортидим. Тонгда хайрлашган бўлсак-да, отамни, онамни сониниб кетдим. Ушандан буён сайёр хизматлар учун “прогул” қилмайдиган бўлдим.

Давлат хизматчисидан  
Элёржон ҲАҚОНОВ  
ёзиб олди.

Эълон

### ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ!

ООО «Neft va gaz jurnali» объявляет конкурс НА ЗАКЛЮЧЕНИЕ ДОГОВОРА С АУДИТОРСКОЙ ОРГАНИЗАЦИЕЙ НА ПРЕДМЕТ ПРОВЕДЕНИЯ ПРОВЕРКИ ДОСТОВЕРНОСТИ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ (НСБУ) ОБЩЕСТВА ЗА 2019 ГОД.

Для участия в конкурсе заявитель направляет организатору конкурсного отбора запечатанную в конверте заявку на участие в конкурсе с предложением о стоимости и сроке оказания аудиторских услуг, оформленную в произвольной письменной форме с приложением сведений о заявителе и опыте работы на рынке аудиторских услуг. Заявка на участие в конкурсе представляется организатору конкурсного отбора лично или направляется по почте.

Основные критерии выбора победителя конкурса:

- Наименьшая стоимость аудиторских услуг;
- Наименьший срок выполнения аудита;
- Опыт работы в сфере оказания аудиторских услуг;

Победителем конкурса признается аудиторская организация (аудитор), которая по результатам оценки и сопоставления заявок на участие в конкурсе набрала наибольший итоговый балл.

Заявки направлять по адресу:

100029 г.Ташкент ул. Т.Шевченко 2, здание «O`ZLITINEFTGAZ» каб.218

Тел. для справок 71 256-67-27 e-mail: jurnal-ogu@mail.ru

Срок приёма предложений: 30 дней со дня опубликования.

Эълон

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Бешқўрғон — 3 (Тансибобов — 3) 1-уй 63-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Кишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини бошқариш тизимини янада мақбуллаштириш ва такомиллаштириш мақсадида “Узагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти тугатилади.

# “Доирадан ташқари” қишлоқ

**Қишлоқда яшайдиган одам шаҳарни, шаҳарда яшайдиган бўлса, қишлоқни кўмсайди. Тўғрида, маза-маза шаҳарликларга маза. Ток бор, газ бор, иссиқ сув, совуқ сув — барчаси муҳайё бўлса. Яна нима керак? Ҳар куни бозор. Бай-бай. Фақат пул бўлса бас.**

Аммо ёзининг саратонида каталакдек хонада диққинафас бўлиб қишлоқни, кенг участкани орзу қилади. Очиғини айтганда, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам яшашнинг ўзига яраша қийинчилиги бор.

Лекин қишлоқда... Газ йўқ, ток йўқ, Иссиқ сувни бўлса, тушинида кўрасан. Айниқса, қишининг қировли кунлари қишлоқдагиларга қийинда. Агар осмондан беш олти томчи ёғир ёғса борми. Тамом. Шу куни ток ўчади қолади. Йўларда юриб бўлмай қолади. Қор ёғса, ундан-да қийин. Ток уч-тўрт кунлаб умуман бўлмайди. Газни-ку айтмаса ҳам бўлади. Бу қайси қишлоқ деясизми?

Хурматли газетхон юқоридаги гаплар сизнинг қишлоғингизга тегишли эмасми? Бу гапларни ўқиб ўз қишлоғингиз манзараларини кўргандай бўлдингизми? Ёки эътирозингиз борми?

Бўлмаса, марҳамат ушбу муаммоларни бир қишлоқ негизда кўриб чиқамиз.

Гозовот қишлоғи Кўшкўпир туманидаги аҳолиси кўп, худуди катта, қадимий тарихий қишлоқлардан ҳисобланади. Мавзуга киришдан олдин бир икки фактларни айтиб ўтиш жоиз. Хоразмда “соқа”, “оёқ” деган терминлар бор. “Соқа” дегани ҳамма нарсанинг бошланиш қисми. Яъни сувнинг соқаси, Газнинг соқаси. Оёқ бўлса, унинг акси, Охири деганидир. Гозовот қишлоғи ҳам Хоразм вилоятининг энг охириги қишлоқларидан бири. Яъни “оёғи”. Қишлоқнинг бир томони Туркменистон билан чегаралаш. Қишлоқда салкам 20 минута яқин аҳоли истиқомат қилади. 6 та маҳалла фуқаролар йиғинига бўлинган қишлоқда 6 та умумтаълим мактаби, битта касб-ҳунар коллежи, битта оилавий поликлиника, битта мактабга-ча таълим муассасаси (яна битта МТТ қурилмоқда). Тадбиркорлар томонидан қурилган иккита тўйхона, дўконлар ва катта бозорига эга.

Ана шундай катта қишлоқ ҳамма нарсанинг оёғида жойлашган. Айниқса, деҳқончилик учун сув муаммо. Чунки қишлоқ сувнинг ҳам оёғида жойлашган. Қишлоқни тенг иккита бўлиб ўтган “Гозовот” каналига сув келса, бор бўлмас йўқ. Ўтган йили сув танқислиги

сабаб сувнинг оёғи бўлмиш “Пахтакор” маҳалласида жуда кўплаб майдонларда деҳқончилик қилинмади ёки экинлар сувсизликдан қуриб қолди. Сувсизликдан аҳоли томорқа деҳқончилиги бўлмади ҳисоб. 300 нафар аҳолида ҳар қайсинисидан 10 сотихдан томорқа бўлса, қанча гектар майдонда деҳқончилик бўлмаганини ўзингиз ҳисоблаб чиқараверасиз. Кўшимча томорқаларини-ку умуман экиша олмайди. Солигини эса ундириб олишяпти “азаматлар”.

Хўп, энди электр токи масаласига қайтамиз. Қишлоқ токнинг ҳам оёғида, шунинг учун бу ерда токнинг тез-тез ўчиб туриши одатий ҳолга айланган. Ахир сим ёғочу электр симлари, трансформаторларнинг бизга хизмат қилаётганига яримасрданошдиде. Аҳоликўпай-

**Аҳолини ишга жойлаштириш ҳам жуда катта муаммолардан. Қишлоқда бирорта корхона йўқ. Аксарият аҳоли ишсиз. Тўғри, қишлоқда кўпчилик тадбиркорлик билан шуғулланади. Бунда, айниқса, “Гозовот” деҳқон бозорининг ишлаб тургани кўл келмоқда. Олди-сотди билан шуғулланаётган тадбиркор бир амаллаб кунини кўрар. Бошқаларчи? Ҳар бир хонадонда иккита учта ишга яроқли аёлу эркак бекорчи.**

моқда. У й л а р қуриляпти. Аммо трансформаторлар ўша-ўша. Токни етказиб беролмайди. Салгина “нагрузка”га ишдан чиқади. Ана ундан кейин аҳоли йиғий қилиб, тузатириш керак, бўлмаса, ҳеч ким келиб сенга тузатиб бермайди. Қишининг қаҳратонида ток билан газ бўлмаса, қийин экан. Айниқса, мактабларга, боғчаларга қийинда. Газ-ку бор, аммо тақсимотида ишқал бор. Газнинг босими пастлигидан қишлоқнинг ҳамма маҳаллаларига газ тўлиқ етиб бормайди. Етиб бормаган худудларда хонадонлар “газ сўрдиригич” орқали ёқилса, ҳамма нарсанинг оёғи бўлмиш



“Пахтакор” маҳалласининг ярмидан кўп аҳоли хонадонларида тоза ичимлик суви йўқ. Ана ўтказамиз, мана ўтказамиз билан мутасаддилар алдагани бола яхши қабилда иш кўришган кўринади.

Қишлоқ йўллари масаласи ҳам долзарб, алоҳида мавзу. Ички йўллари-ку айтмай қўяверинг, расвои олам. Хуллас, бу яқин йигирма беш йил ичида қишлоққа жиддий эътибор қаратилмаганидан далолат.

— Қишлоғимиз жуда қадимий. Бундай олиб қараганда, Янги Урганч билан ёши тенг. Бир пайтлар туман маркази бўлиб фаолият юритган (1930-1940 йиллар оралигида). Коллектив хўжалик ҳам айнан шу ердан бошланган. Гуллаб яшаган маданият ва маърифатнинг илк ўчоқларидан бўлган замин, — дейди фахрий ўқитувчи Рўзимбой ота Қурбонбоев. — Бошқа қишлоқларни кўриб, ҳавасинг келади. Турнақатор намунавий уйлар қишлоқлар кўрмига кўрк кўшиб турибди. Нимага ана шундай чиройли уй-жойлар бизнинг қишлоғимизда қурилмади? Нима, бизнинг қишлоқ “доирадан ташқаридами?”

Ҳа, отахоннинг куйинганича бор. Ахир, Президентимиз қишлоқларимизни обод қилиш, унда яшашга аҳолининг дарлу ҳасратини, муаммоларини ўрганиш ва унга ечим топиш учун секторлар фаолиятини йўлга қўйган бўлса?

Аҳолини ишга жойлаштириш ҳам жуда катта муаммолардан. Қишлоқда бирорта корхона йўқ. Аксарият аҳоли ишсиз. Тўғри, қишлоқда кўпчилик тадбиркорлик билан шуғулланади. Бунда, айниқса, “Гозовот” деҳқон бозорининг ишлаб тургани кўл келмоқда. Олди-сотди билан шуғулланаётган тадбиркор бир амаллаб кунини кўрар. Бошқаларчи? Ҳар бир хонадонда иккита учта ишга яроқли аёлу эркак бекорчи.

— Эркакларимиз-ку эрта баҳордан то қиш киргунча ўрис ва қозоқда ишлашади. Шуларнинг топгани билан кун кўраимиз. Аммо бизларга иш йўқ. Мабо-до қишлоғимизда ҳам тикувчилик, қандолатчилик цехлари очилиб қолса, жон деб ишлар эдик, — дейди “Пахтакор” маҳалласидан Лайло Бобожонова. — Қишлоқнинг қоқ марказида 25 йиллардан бери қоровсиз ётган бинолар бор. Шуларни тазмирлаб, ишга туширишганидаям анчагина аҳоли ишли бўларди.

Дарҳақиқат, қишлоқда бир пайтлар

**ЭЪЛОН** 2019 йилда Юсулова Ойша Улугбековнага берилган Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги 172-сонли умумий ўрта таълим мактабини битирганини тасдиқловчи ТМ № 0446286 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

арзон гаровга сотиб олиниб ҳозиргача фойдаланилмай ётган объектлар талайгина. Ана шу тайёр бинолардан тадбиркорлик учун ишлатилганида борми, ҳам ўша бино эгаси, ҳам аҳоли фойда кўрган бўларди. Афсуски, баъзи бинолар 25 йилдан буён ҳеч кимга фойда бермасдан, хувиллаб ётибди.

Уйлаймизки, шу ишларга маъсул бўлган мутасадди ташкилотлар, маъсул шахслар муаммоларни жойларида ўрганиб, унга ечим топишга ҳаракат қилдилар. Зеро, Президентимизнинг ҳам талаби шу.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**  
журналист

## “Ҳожи деб чақиришса, ҳайрон қоляпман”

Яшаш оғирлашди, газ йўқ, ўтинга пул йўқ. Ойлик зўрга етаяпти. Биронта давлатга суриш керак, деб қолади.

Балки бошқа уйга кўчиб ўтарсан? Ахир муаммо сенинг уйингда-ку, деб қўяман.

Ижарага кўчиб ўтса, айниқса, қаватли уйларда газ бор... Ўтинни пулига қишни ўтказса, бўлади-ку деб ҳайратланаман.

Яна биттаси, хотиним яхши чикмади дейди. Ажрашаман дейди. Бошқа хотин оласанми дейман. Ҳа, нима қипти, 4 тагача мумкин-ку дейди. Тўғри, 4 тагача уйланиш бор гап. Бу суннат ҳам. Лекин ажрашиш суннатмикин, деб ҳайрон қоламан.


Олдинлари “тоза ҳавода чекамиз” деса тушунмасдим. Ҳозир ароқ билан савдо қилувчининг эҳсоню закотини тушунмапман. Спирит заводнинг хўжайинини ҳожи ака, деб чақиришса, ҳайрон қоляпман.

Айримлар, “кетвормайсанми, нимасини яхши кўрасан шу Ватанни”, деб қолишади.

Бу Ватаннинг нимасидир учун эмас, шунчаки меники бўлгани учун яхши кураман. Ватан бу танланадиган тушунча эмас, бу тақдир қилинган тушунча. Қандай қилиб уни алмаштириш мумкинлигига ҳайрон қоламанда...

Балки, сиз ҳам ҳаётда у-бу нарсаларга ҳайрон қолаётгандирсиз?..

**Баҳодир ЭЛИБОЕВ**

 <p><b>ЖАМИЯТ</b></p> <p>Муассислар: Фуаролик жамиятини ривожлантириш маркази. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустиқил Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари</p>	<p>кўлаб-қуватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофазა қилиш давлат қўмитаси. “Фуаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Мақсуд ЖОНИХОНОВ</b></p> <p>Тахрир хайъати: Рустам Комилов Борий Алихонов Акмал Саидов Раҳмат Маматов Нуриддин Убайдуллаев (Бош муҳаррир ўринбосари) Ақтам Хайитов Аҳдам Икромов</p>	<p>Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буортма рақами Г-714 Адади: 1151. Жума кунини чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган. <b>ISSN 2010-7722</b></p>	<p>Навбатчи: Дилбар Маҳмудова</p> <p>Дизайнер: Бегайи Эшонкулов</p> <p>100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32. Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-95. Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@mail.uz Газета индекси — 131 “ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. ЎЗА ақуни: Тошпирилган вақти: 18:55 1 2 3 4 6</p>
--	--	---	--	--



Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилмаси тасдиқланди.



**МИКРОКРЕДИТБАНК ЖАМОАСИ**  
**27 ИЮНЬ** — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ  
 АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ  
 КУНИ ҲАМДА **30 ИЮНЬ** — ЁШЛАР КУНИ  
 МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ВАКИЛЛАРИ  
 ВА ЮРТИМИЗ ЁШЛАРИНИ САМИМИЙ  
 ТАБРИКЛАЙДИ!



**12 ОЙ**

**БХМ x50**  
 БАЗАВИЙ ҲИСОБЛАШ МИҚДОРИ

## «ОНЛАЙН ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ»

Юртимиз ривожига йўлидаги машаққатли ва олийжаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Шунингдек, барчага юртимизда илк бора Микрокредитбанк томонидан амалиётга жорий қилинган «Онлайн истеъмол кредити»дан фойдаланишни тавсия қиламиз.

**МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ!**